

Пахтабод туман хокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши кетмоқда. Уртада ва ёга етмаган ўсмир Бектемир Азизов (номи ўзгартириб олинди) синовчан нигоҳларга дош беролмай, ердан бошини кўтаролмай ўтирибди.

Уш, болада нима гуноҳ. У нега комиссия муҳокама-сига тушган? Отаси тупроққа кўйилганда, Бектемир бе-шиқдаги бола эди. Елкасига рўзгорнинг зилдек юки туш-ган онаизор фарзандига етарлича кўз-қулоқ бўлолма-ди. Бир ёқдан юрак хаста-лиги. Қўлга тегиб-тегмайди-ган ногиронлик нафақасини тилаб олган жигарғўшасига сарфлади. Отасизлигидан уксимасин, дея оқ ювиб, оқ тарлади.

АДАШГАН ЎСМИР МАХАЛЛА ОТАЛИГИДА

Камбаров тунги патрул хизмати кучайтириш, бу ишларга фаол ёшларни жалб этишдек долзарб тақдир билан чиқди. Туман халқ таълими бўлими мудири Абдусамат Холмирзаев ўқувчи ўспиринларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида фан тўғрисидаги иш-ни кучайтириш тадбирлари ҳақидаги режалари билан ўртоқлашди. Комиссия бошлиғи, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Лолахон Абдурахмонова эса ёшларни турли арамас оқимлар таъсириндан сақлаш, масжидлар имом-хатиблари, маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик, биродарлик, тартиб-интизомни мустақамла-лаш тўғрисида аъзолар билан кенгашди.

лок тузатиш жазоси билан ал-машириди. Фаоллар кўмаги билан Бектемир тумандаги темир йўл бўлимига ишга жой-лаштирилди. Айни чоғда му-раббийлар оталигида ҳалол меҳнат қилиб, оиласига ёрдам-лашмоқда.

Комиссия вояга етмаганлар-нинг таълим-тарбияси, соғлиги ва ижтимоий муҳофазасини ях-шилашда ибратли тажиба тўплаган. Бу ерда Вазирлар

Бир болага етти қўшни ота-она

би Иқболжон Азизов билан ёшларни оғоҳликка қонраш, шу билан уларнинг жоний ҳуқуқ, манфаатларини кафо-латлаш ҳақида мулоқотда бўлди.

Умуман, шу йилнинг турму-шу тарзи, билим олиши, иш билан банд қилиш масалалари ҳокимликнинг диққат маркази-да, дейди у. Комиссия яқинда 9-синфни тамомлаган ўқувчилар, олийгоҳларда кон-тракт-тўлов билан ўқиётган та-лабаларнинг маийий шароити, ўқиши, тарбиясига доир ҳокимликка 3 та тақлиф кирит-ди. Тақлил жараёнида, айрим талабаларнинг контракт тўло-ларига муаммоларга дуч кела-ётганликлари маълум бўлди.

қолдириб, маҳаллардаги фуқароларнинг оғоҳлиги бузилишига сабабчи бўлган 20 нафар ота-она ко-миссия йиғилишига тақлиф этилди. Оила Кодекси талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда болаларни каровисиз қолди-рган 12 нафар ота-онига оғоҳ-лантириш эълон қилинди. Улар яшаётган маҳалла оқсо-қоллари, тарбиячи-педагог-лар, сардорларга ҳам маъму-рий чоралар кўрилди.

Марказ йўриғи билан 4-мактабда «Ёшларнинг консти-туциявий ҳуқуқ ва эркинлик-лари» мавзусида савол-жавоб кечаси ўтказилди. Унда тин-члик, хотиржамлик турмуши-миз зийнати эканлиги, ёш-ларнинг бу борадаги бурчи, мажбуриятлари ҳақида гап борди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Давримиз фидойилари

Нозимжон Мамажонов асли Андижон шаҳридан. Тадбиркорлик, тижорат у учун ота кеча. Юрт кезиб, эл кезиб ўз имкониятларини кенгайтиришга одатланган. Бу галги сафари Қонимх ҷўлларини айланишдан бошланди. «Сарибел» ширкат хўжали-ги раиси Урмон Қўшенов билан бўлган суҳбат чоғи-да бу ерда терм ошлаш ва ундан махсулот тайёр-лаш учун катта имкониятлар борлиги, тўғриси-да хали бу соҳага қўл урилмаганлиги маълум бўлди.

«УШБАС»

чўл бағридаги қалдирғоч корхона

Қонимх тумани, шу жумладан «Сарибел» шир-кат хўжалиги ҳам қорвақилликка ихтисослашган. Хўжаликда 60 минг бош кўй-кўзи боқилмоқда. Бунга бепояён йилловларда дурқун ўсаётган от, ту-яларни, аҳолининг сурув-сурув молларини қўшганда қанчани ташкил этишини тасаввур қилиб кўраверинг.

Бу ҳар йили хўжалик ва хонадонларда минг-миглаб терилар тайёрланади, деган сўзди. Агар қўшни Нурота, Томди тумани қорвадорлари этиш-тираётган мол туёқ сонларини кўз олдинда кел-тирсангиз, бу кенгликларда нақадар улкан имко-ниятлар яшириниб ётгани аққол намоян бўлади. Хуллас, «Сарибел» ширкат хўжалиги билан ту-зилган шартнома асосида «Ушбас» кичик корх-онаси ташкил этилди.

Корхонага терини ошлайдиган, ишлов беради-ган, бўяйдиган турли ускуналар келтирилди. Да-стлабки махсулот – эркалар ва аёллар курткаси, оёқ кийимлари тайёрланади, Қонимхда ўтказил-ган кўрик-танловда намойиш қилинди. Кўрик қат-нашчилари ўзининг аъло сифати билан чет эл ма-хсулотларидан асло қолишмайдиган «Ушбас» кий-им-бошларига маҳия бўлиб қолишди. Очиғи, да-стлаб ишонимшадди. Кейин ўзлари корхонада бўлиб ишлаб чиқариш жараёни билан таниш-ганларидан сўнгина андижонлик хунармандлар меҳ-натига, маҳоратига тасаннолар ўқийди.

Айни кунда корхонада сарибеллик қорвадорлар талаби асосида чўпон-чўликларга махсус буюрт-малар асосида кийим-кечак тайёрланмоқда. Би-рок, «Ушбас» махсулотларига чет эллик харидор-лар ҳам қизиқиб қолишди. Маъзур даргоҳда 10 нафар андижонлик усталар меҳнат қилмоқда. Улар маҳаллий ёшларни касб сирларига ўргатиш мақ-садида ишлаб чиқаришга жалб этмоқда. Ширкат хўжалиги ҳомиёлигида бепул ўқув машғулотлари ташкил қилинган.

Келажақда «Ушбас» ўз имкониятларини янада кенгайтиради. Ёз ойларига бориб корхона қоши-да тўқув ва кийим-кечак тикиш цехи иш бошлай-ди. Бу ерда 60 та иш ўрни яратилади. 15 нафар ишчи ишлайдиган чарми мебеллар тайёрлаш цехи ҳам фаолият кўрсатади. Кейинчалик Сарибелда чинни идишлар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилади.

Корхонада ишловчилар учун барча қулайликлар яратилмоқда. Фойдаланилмай, бўш ётган бино-лар хўжалик томонидан қисқа фурсат ичда қайта таъмирланиб, корхона фаолиятига мослаштири-ляпти. Ишловчилар учун ётоқхона, ошхона, юви-ниш хоналари ишга туширилган.

Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ҳам тўғри ҳисоб-китоб қилинмоқда. Чеварлар тиккан ҳар бир куртка учун 13 минг сўмдан ҳақ тўлан-моқда. Агар бу кўрсаткич 1 ойда 30 донани таш-кил этса олинадиган даромад 390 минг сўм дега-нидир.

Сохиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ИШБИЛАРМОНЛАР

АҚШДА

Бухоро вилоятининг бир гуруҳ тадбиркор-лари АҚШ Конгресси кутубхонаси томонидан амалга ошириладиган «Очк дунё» дастури доирасида Америкада бўлиб қайтишди.

Вилоят «Тадбиркор оила» уюмсининг раиси Дилором Нарзулаеванинг таъкидлаши-ча, тадбиркорлар Кали-форниянинг Санта-Круз шаҳрининг маъмурият-и, тижорат ва савдо ташкилотлари вакилла-ри билан учрашувлар ўтказишди, шунингдек фирма ва компаниялар билан битимлар тузил-ди.

Сафарни уюштириш ва АҚШдаги учрашув-ларни ташкил этишда халқаро «Ротари» клуби-нинг ёрдами катта бўлди, деди Д.Нарзулаева «Туркистон-пресс» мухбирига. «Ушбу клуб-нинг асосий вазифаси барча турдаги касбий фаолиятларга, хусусан тадбиркорликка кўмак-лашадиган иборат.

ЗУЛФИЯ ТАНЛОВ

ГОЛИБИ

Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологи-яси институти хошида-ги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчи-си Зулфия Тунюбоева АКСЕЛС танлови иккин-чи босқичининг голи-би бўлди.

Яқин вақтда лицей қошида тил марказини очмоқчимиз, деди З.Ту-нубоева «Туркистон-пресс» мухбирига. «Хо-лловчилар бу ерда ин-глиз тилидан ўз билим ва малакаларини оши-риши мумкин.

З.Тунюбоеванинг таъ-кидлашича, институт инглиз тили кафедраси билан ҳамкорликда лицейлар учун инглиз тили дарслигини яра-тиш, ушбу ўқитишнинг янги услубларига ба-ғишланган семинарлар ўтказиш режалаштирил-моқда.

«Туркистон-пресс»



Ислоҳот мевалари

ШЎРТАН ПЛЁНКАСИ

чет эл саноатчиларида қизиқиш уйғотди

Марказий Осиёда энг йирик ҳисоб-ланган Шўртан газ-кимё мажмуасининг бунёд этилиши ер ости бойликлари-дан халқ хўжалигида самарали фойда-ланиш учун янги имкониятларни вужд-га келтирди.

Газ-кимё мажмуасида жаҳон бозори-да харидоригр бўлган полиэтилен хо-машёси ишлаб чиқариш йўлга қўйил-ди. Илгарилари унинг тоннаси минг дол-лар атрофида четдан сотиб олинар эди. Эндиликда ана шу қимматли махсулот корхонанинг ўзида ишлаб чиқариляпти.

Мажмуа қурилиши муносабати билан мамлакатимиз полиэтилен хомашё-сини хорижга экспорт қилувчи давлат-лар қаторидан ўрин олди, дейди биз билан суҳбатда корхона бош муҳандиси У.Эшмуродов. – Махсулот илгари чи-қинди газлар билан ҳавога учиб кета-диган хомашёдан ажратиб олинмоқда.

Полиэтиленга ички ва ташқи бозор-да талаб катта. Хозир асосий эътибор маҳаллий истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Хомашё «Таш-кентполимер», «Қаршиетмопласт», «Бе-шарикпленка», «Андижонполиэтилен» каби корхоналар ва пойтахтимиздаги кабел заводларига етказиб берилляпти.

Хозирги кунда газ-кимё мажмуаси-да 9 хилдаги полиэтилен ишлаб чиқа-

риляпти. Яқин келажақда уларнинг сони 20 тага етказилади. Хомашёдан тайёр-ланган турли хажм ва қалинликдаги плёнкалар иқтисодийнинг ҳамма тар-моқлари, шу жумладан қишлоқ хўжали-ги учун ҳам асқотмоқда. Энг муҳими, Шўртан плёнкалари эндиликда Хитой, Италия, Эрон, Туркия сингари хорижий мамлакатлар саноатчиларини ҳам қизи-қтирмақда. Россия, Украина каби ҳамдў-стлик мамлакатларида эса хомашёга та-лаб катта.

Қазиб олинаётган газ таркибиде 90 фоиз метан, 10 фоиз бутан, пропан, этан ва бошқа моддалар мавжуд. Исланишлар, тадбиркорлик самара берди. Қайта иш-лаш тўғрисида метандан этан гази ажрати-б олинляпти ва этилган ҳақда полиэтилен ишлаб чиқариляпти. Иш жараёни янада такомиллаштирилса, табиий газдан 150 хилдаги полиэтилен ажратиб олиш ва юз-лаб хилдаги махсулотлар тайёрлаш мум-кин.

Кенг ва раван асфальт йўл сизни Шўртан газ-кимё мажмуасига олиб бора-ди. Корхонанинг улкан миноралари олис-дан қўринадди. Тунлари улкан қувурлар-дан чиқётган табиий газ машъаласи кўзни олғудек ялтирайди. Бу ерда она юрти-мизнинг бебаҳо бойлиги – газ қайта иш-ланмоқда.

ЁЛКИН

Фарғона вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси корхона, ташкилотларда ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, давлат манфаати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳ-камасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хомашё базасида буюм ва материаллар ишлаб чиқари-ни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қаро-ри юзасидан бошқарма то-монидан корхоналарда мо-ниторинг ўрнатилган. Жой-ларда меъёрий технологик ҳужжатлар, хомашё ва иш-лаб чиқаришнинг метролог-ик таъминоти, мутахассис-ларни тайёрлаш ишлари тақлил этилди. Натихада «Қувасиймент» хиссадор-лик жамиятида сифат кўрсат-кичлари юқори бўлган че-репицалар ишлаб чиқариш-га эришилди. Корхонада синов лабораторияси, стан-дартлаштириш ва метроло-гия хизматлари жорий этил-ди. Бундан ташқари, вило-ятдаги экспорт қилинаётган махсулотлар алоҳида назо-ратта олинган.

Бошқарма томонидан 2004 йилнинг 1-чораги мо-байида вилоятдаги 43 та корхона ва ташкилотда дав-лат назорати ўтказилди. Шундан 28 хилда стандарт талабларнинг бузилиши аниқланди. Махсулотлар-нинг 102 тури текширилган-да, 31 таси амалдаги меъёр талабларига мос келмасли-ги маълум бўлди. Хусусан, «Фарғонагаз-чирок» масъу-ляпти чекланган жамиятда ишлаб чиқариладиган турт турдаги реклама қурилма-лари учун шиша қувурчалари технологик ҳужжатларга эга эмас. Колаверса, бу ерда қис-қасланганга ўлчов восита-ларидан фойдаланиб келин-ган. Текшириш натихасида «Стандартлаштириш тўғриси-да», «Метрология тўғриси-да»ги қонун талаблари бу-зилинганлиги маълум бўлди ва ушбу махсулотларни ишлаб чиқариш таъкиланди.

Олтириқ туманидаги «И-кон-ММ» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ўтказилган давлат назорати пайтида бир

неча технологик ҳужжатлар-нинг мавжуд эмаслиги ошқор бўлди. «Дар-саёб» хусусий фирмасида эса томат паста-си, қора чой, макарон, мине-рал сув ва кандолатчилик мах-сулотлари мувофиқлик сер-тификатисиз сотувага чиқари-ган. «Ёшлик» ва «Нилуфар-2000» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида момик пахта намуна-эталонсиз, меъёрий ва технологик ҳужжатларсиз тайёрланиб келинган.

Умуман, шу йилнинг ўтган даври мобайнида қонун та-лаблари бузилган корхона-ларга 3 миллион 104 минг сўм жарима қўлланилди. 53 ҳолатда махсулот ишлаб чиқариш таъкикланди. Тақлил-лар шуни кўрсатмоқдаки, дав-лат стандарт талаби бузилиш ҳолатлари асосан хусусий фирмалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Махсулотларни ишлаб чиқаришни метрологик таъ-минлаш, унинг сифатини тек-шириш ва баҳолашдаги дав-лат назорати натихасига қўра ўлчаш воситаларининг 40 фо-изи яроқсиз деб топилди, дейди вилоят стандартлашти-риш ва метрология бошқар-маси бошлиғи В.Ҳайдаров. – Ҳамон баъзи корхоналарда технологик жараёнларнинг метрологик назорат билан таъминланмаганлиги, яроқсиз ўлчаш воситалари борлигини қўпуб учратиш мумкин. Ҳу-

Қонун барчага баробар

сусан, Риштон машина-трак-тор парк, Тошлоқ тумани-даги «Дехқон» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, «Қувақон-серва» хиссадорлик жамия-ти каби ташкилотларда ностан-дарт ўлчовлардан фойдала-ниб келинган.

Кўкон синов ва сертифи-катлаштириш маркази эса асосан шаҳар ва атроф ту-манлардаги корхона, ташки-лот ҳамда тадбиркорларга махсулотни сертификатлаш-тиришда, сифатини текши-риш ва ўлчов воситаларини қиёслашда услубий ёрдам кўрсатади. Марказ томонидан ушбу йилнинг биринчи чо-ра-нида 326 та мувофиқлик сер-тификати берилди. Қўшни давлатларнинг 116 та муво-фиқлик сертификати эътироф этилди.

Кичик ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш мақсадида 27 та корхонага ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш, ёрқиллаш, сифат назорати ва техник меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда амалий кўмак берилди, – дея суҳбатни давом эттирадди си-нов ва сертификатлаштириш маркази директори М.Азиз-мов. – Велосипед эҳтиёт қис-мларини ишлаб чиқарувчи тадбиркор М.Маматқулов, «Чорик» пойабзал ишлаб чиқарувчи фирма, «Сувли буюк» корхонаси, трикотаж махсу-лотлари ишлаб чиқарувчи ишбилармон А.Рахимовлар шулар жумласидандир. Тад-биркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида марказда фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат махсулотлари лабора-торияси иш доираси кенгай-тирилиб, парфюмерия махсу-

лотларини синов имкони-яти яратилди. Афсуки, сертификатлаш-тириш жараёнида айрим махсулотларнинг яроқсиз-лари учраб турибди. Мисол учун, «Қўқон» корхона-сида ишлаб чиқарилган бир тонна макарон махсулотни-нинг сифат кўрсаткичлари амалдаги меъёр талаблари-га жавоб бермади. «Бувай-да» савдо-ишлаб чиқариш корхонасидаги шакарли пе-ченьенинг физик-кимё кўрсаткичи, сутли коржик махсулотидидаги шакар ва ёғ микдорининг меъёрдан па-стлиги боис сотувага чиқари-ш тўхтатилди.

Ўлчов воситалари усти-дан давлат текшируви бўли-ми томонидан жорий йил-нинг биринчи чораги даво-мида ҳисобга олинган 14 минг 844 донга воситалар-нинг 5 минг 697 донаси қиёсланди, холос. Афсуки, қўпчилик ташкилот, корхона, хўжалик, фирмалар ушбу ускуналарни давлат қўриғидан ўтказиш бораси-да мажбуриятларини унути-б қўйилляпти. Чунончи, «Қўқон дехқон бозори», «Улғурчи савдо бозори» хиссадорлик жамиятлари, «Богод дехқон бозори» маъмурияти тош-тарозилар-ни ўз вақтида давлат қиёс-ловидан ўтказишни пайсал-га солиб келишмоқда. Бун-дан ташқари, ҳудуддаги 4-, 55-, 65-, 123-, 153-сонли автокорхоналар, «Қўқон шох» атлас, «Қўқонтўк-маш», «Дилором» корхона-лари ҳамда Бешарикдаги «Адиросаб», Фуқрат тумани-даги «Дўстлик», Богдод ту-манидаги «Ўзбекистон», «Мирзаобод», «Пахтақай-нар», Хазиний номли шир-кат хўжаликлари ўлчов воситаларини қонун талаба-ри асосида қўриқдан ўтка-зишга панжа орасидан қараб келишляпти.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

ҚУЛАЙ, ҲАММАБОП

Акциядорлик тижорат «Сав-догарбанк» жисмоний шах-сларга кўрсатилётган хизмат турларини кўнайитириш ва хал-қаро андозаларга мос ишлаш усулларига ўттиш мақсадида «Молеу Грат» халқаро пул ўтказиш тизимига аъзо бўлди.

Жаҳон молия оламида 1940 йилда жорий этилган маъзур тизим бугунги кунда 155 мамлакат-да олтими мингдан ортиқ шохоб-чага эга.

«Савдогарбанк» ушбу тизимни хозирча Тошкент шаҳридаги бўлим-ларида жорий этди.

МИНЕРАЛ ЎГИТ БИРЖА САВДОСИДА

Олмаликдаги «Аммофос» очик акциядорлик жамияти истеъмол-чиларга минерал ўғит етказиб бе-риш ҳажмини оширмоқда. Бу ерда март ойда йилгари минг тоннадан зиёд фосфорли ўғит тай-ёрланди. Бу феврал ойдаги қараганда икки баравар кўпдир.

Тайёр махсулот республика-миздаги давлат буюртмаси бўйича махсулот етиштирувчи хўжаликлар-га пешма-пеш жўнатилмоқда, дей-ди корхона бош муҳандиси ўрин-босари Баҳодир Содиков. – Йил бо-шидан буюн уларга 44 минг тонна-га яқин фосфорли ўғит етказиб бе-рилди.

Кимёгарлар минерал ўғитни бир-жа орқали сотишни йўлга қўйган. Март ойда Республика мол-хомашё биржаси орқали 700 тонна аммофос савдога чиқарилди.

(ЎЗА)

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Ташаббус ОИЛА СПОРТИ

Соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш барчанинг бурчи. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари ҳам маҳаллалар билан ҳамкорликда қатор ибратли ишларга қўл урляпти.

Касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифаларидан бири баркамол инсонни шакллантиришга қаратилган. Шу боис ҳам маҳаллалар билан бақамти ишлаш, ёшларни фойдали юмушларга тортиш борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти. Чунончи, вилоятимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Ҳўш, улар бугун бўш вақтларини қандай ўтказиляпти? Айнакиса, қишлоқ ёшлари спорт-соғломлаштириш каби имкониятларга эгами? Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, балоғат оstonасидаги ўсмирларнинг қарийб ўттиз фоизи мутлақо бекорчи экан. Улар жойлардаги спорт тўғраракларига ҳам жалб этилмаган. Асосий вақтларини беҳуда, уйда, кўча-кўйда ўтказишар экан. Ташкилотимиз ана шу ёшлар ҳусусида кўпроқ қайғуришни вазифа қилиб олди.

Ҳўш, бу ишни қандай удаллаш мумкин эди? Тажиба бундай ёшлар орасига фақат маҳалла, оила давраси орқалигина кириб боришни кўрсатди. Даставвал Бобўт туманидаги Наврўз жамоа ҳўжалиги «Чўтхўрон» маҳалласи билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Маҳаллада спорт тўғраракларидан йироқ ёшлар кўп экан. Урашувлар, маҳалла ахли билан мулоқотда бу болаларни ҳам фойдали машғулотларга тортиш имкони турлиди. Маҳалла оқсоқоли Камолитдин Аҳмедов юзга яқин ёшлар эътибордан четда эканлигини таъкидлаб, уларга шарт-шароит яратиш мумкинлигидан мамнўн бўлди.

нинг ота-онаси билан мулоқот олиб бордик. Бу ўринда маҳалла кўмитасининг алоҳида хиссаси борлигини таъкидлаб ўтган бўлардим. Хўллас, бу мўъжаз спорт иншооти болажонлар билан тўлиб тошди. Айнаи дамда шохмўт, шашка, минчи-фўтбол ва кураш тўғрараклари ишлаб турлибди.

Ташаббусни ривожлантиришга, аънанани шакллантиришга астойдил интилдик. Айнаи чоғда Гулистон туманидаги битта, Сайхўнобод туманидаги 2 та маҳаллада касаба уюшмалари спорт тўғрараклари иш бошлаш арафасида. Бу тадбирни ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш чора-тадбирлари қўриляпти. Уйлайманки, қисқа фўрсатда барча маҳаллаларда ана шундай спорт тўғрараклари ишлаб бошлаша, ажабмас.

Урни келганда маҳалла спорти, унинг истиқболи ҳусусида тўхташ керак. Утган йили Мирзаобод туман «Оқ олтин» маҳалласида янги гузар барпо этилиб, спорт майдончаси ва тўғрараклар иш бошлаганди. Оила спортига рағбат ўзининг илк маҳсулини берди. Хўдуддаги Усмоновлар хонадонининг бир йўла уч фарзанди ўз вази тоифаларида мамлакатимизда ўтказилган армирестлинг бўйича беллашува гўлибарига айланлиши. Кўвун-кўвундан ранг олади, деганларидек қишлоқда бу хонадон издошлари кўпайди. Кураш, бокс, теннис бўйича оилавий жамоаларнинг кўпайиши маҳаллада спорт-соғломлаштириш ишига эътибор кўчагандан далолат беради.

Демокчиманки, фақат соғлом таанда соғ ақл бўлади. Шу боис касаба уюшмалари хар бир маҳалла, хар бир хонадонга йўл топилади. Муддаомисоғлом, баркамол ва кучли авлодни тарбиялашга хисса қўшишдан ибратдорим.

Маҳмуд ФОЗИЛОВ,
Таълим ва фар ҳодимлари
касаба уюшма Сирдарё
вилоят кўмитаси ташкил
ишлар бўлими мудир



Сирдарё

Мехр-мурувват, саҳоват халқимизнинг азалий олижаноб фазилатларидан биридир. Яқинда Янғир шаҳар ноғиронлар жамияти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда бу фикр ўз тасдиғини топди. Зеро, тадбир давомида



Нурўллаев (чапдаги суратда) ва «Шодлик» маҳалласи оқсоқоли Бозорбек Содиков нуруний онахонларга совға топширишмоқда.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар

ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Инсон умрининг муайян муддати иш, қадрдон жамоаси билан боғланади. Қадрдон гўша қадри, ҳаққасблар гамхўрлиғига не етсин. Бизнинг жамоамизда ана шу аънаа қарор топан. Айнакиса, аёллар, кам таъминланган оила соҳибларига алоҳида имтиёзлар жорий этилган. Уч ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул оналар, ҳомиладор аёллар алоҳида эъзозланади.

Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ҳомиладор аёлларга

рида моддий кўмак олдим. Тўғри, ҳамма нарсани ҳам мабағ билан ўлчаш хато. Гап эътиборда. Башорат Исқандарова бошига ташвиш тушганида ҳам касаба уюшма кўмитаси барча муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди. Энг муҳими, биз ишчилар бу ташкилотга суяниб қолганмиз. Зеро, у ҳамдамимизга айланган. Хар бир ҳодимдан кўмағини аямай келмоқда.

Одамга кўп нарса керак эмас. Эътибор, меҳр бўлса бас. Бизнинг жамоамизда касаба уюшма бу ишни кўнгилдагидек удалляпти.

Шоҳида ҲУЛОБОВА,
«Сирдарёгаътаъминот» шўъба
корхонаси ишчиси

Тадбиркорликни ривожлантириш, ҳусусан, янги иш ўринлари яратишда банклар томонидан ажратиладиган кредитлар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Сирдарё туман Акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк» томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги вақтда банк 536 та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 262 тасини фермер ҳўжаликлари, 177 тасини ҳусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Жойларда банкнинг иккита минн шохбўчаси, битта валюта айирбўлаш пункти ишлаб турибди. Бу, ўз навбатида, мижозлар учун катта қулайлик яратмоқда.

БАНК КРЕДИТИ ҲИСОБИДАН

янги иш ўринлари

— Дехқон-фермер ҳўжаликлари, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди банк бошқарувчиси Даврон Жўраев. — Шу мақсадда турли муддатли кредитлар ажратилляпти.

Дарҳақиқат, банк томонидан ажратилаётган кредитлар ўз самарасини берапти. Масалан, тумандаги «Аҳмад ҳожи» фермер ҳўжалиги банкнинг 16 миллион сўмлик кредити ҳисобидан агротехника воситаларини сотиб олди ҳамда кичик машина-трактор паркн фаолиятини йўлга қўйди.

Хозирда мақзур МТП фермер ҳўжаликларига шартнома асосида самарали хизмат кўрсатмоқда. «Сирдарё-Ф» ҳусусий кичик корхонасига эса асбўб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш учун 15 миллион сўм миқдорига кредит берилди. Натияжада юзга яқин янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллий ёшлар муҳим иш билан таъминланди.

Суратларда: банк бошқарувчиси муовини (ўнгда) Худойберди Қосимов тадбиркор Норбек Шўхбердиев билан; банк ходими Абдуваҳоб Сатторов.

Қ.ОЛЛОЕВОВ,
«Ишонч» муҳбири

Касаба меҳр Раънода ёшлигидан ўйгонди. У ўзи орзу қилган ишга кирганидан, жамиятга фойдаси тегаётганидан мамнўн эди. Даставвал иш ўрганувчи, сўнгра мустақил равишда дастгоҳни бошқара бошлади. Ана-мана дегунча саккиз йиллик фўрсат ҳам ўтиб кетибди. Кечяги тажрибасиз киз моҳир устага айланди. Ишга кирган ёшларга устозлик қилади.

Аммо, фалоқат оёқ остида, деганларидек, уни гафлат босдим, эътибозсизликми, ўзи ҳам пайқамай қолди. Айнаи иш қизини кетаётган бир чоғда тонналаб пахта хомашисини янгламай ютаётган дастгоҳнинг ўзини тортиб кетди. Шифохонада кўзини очганда бир гуруҳ ҳамкасбларини кўрди. Аммо, жойидан қимирлай олмасди. Шифокорлар ҳам, ҳамкасблари ҳам далда беришар, боши омон қолганидан мамнўнлигини билдиришарди. Ҳаммасини кейин англаб етди. Ёш боши билан икала оёғидан ҳам ажралиб қўлибди. Шифокорлар саъй-ҳаракати билан саломатлиғи тикланди. Аммо, оёқларини ўйлаб, узу-кун ташвиш чекарди. Энди кўлга суянади. Хали мурак, балоғат оstonасига етмаган қизалогидан бошқа ҳеч кими

бўлмаса. Шуларни ўйлаганда дарди-дўниёи қоронғу бўлиб кетарди.

— Раъно сен ташвиш чекама, — деди уни йўқлаб келган Ш.Рашидов туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш хисдорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти раиси А.У.рибобов. — Корхонамиз сени ёлғиз ташлаб қўймайди. Нанора, қисмат экан. Аммо, сени бемалол юришининг таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Шифохонадан сўнг Раъно Умрзоқовани Тошкентга олиб келишди. Оёқларига мос протез бурюрма берилди. Тўғри ясама оёқларга кўникиш осон бўлмади. Бирок тўшакка миҳлагандан кура ҳартовур оёқ бор. У илк бора тегалов бўлган кўларини яхши эслайди. Бора-бора қадам олишлари тезлашди. Уй юмушларини ўзи удалляпти.

НОГИРОННИ ЙЎҚЛОВЧИЛАР БОР

лей бошлади.


— Барибир оёқларимда оғриқ сезиб тураман, — дейди Раъно Умрзоқова. — Шундай чоғларда хисдорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти тезда шифохонага жўйлашади. Саломатлигим тиклангунча хабардор бўлиб туришайди. Протезни янгилаш, дори-дармон, хўллас, ҳамма муаммоларимни ҳал қилишга интиляйми. Мана ўн саккиз йилдирки, улар мендек бир ноғирондан хабар олиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб келиляпти.

Эрта кўламанда касабақўм раиси Амир Урибобов яна Раъно Умрзоқова хонадонига ташриф бурюди. У ўзи билан бир қўп ул ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтирган экан. Ховли-жойларни синиклаб қўздан

ҳам қорхона ходимидек саналади. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти Турсўной отани жамоанинг байрам тантаналарига таклиф этади. Саломатлиғи ҳусусида қайғуради. Моддий кўмак беради. Бу оилага ҳам тез-тез ул, пахта ёни ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериляпти.

Корхона Меҳр ва мурувват йилида ишлаб топилган даромадининг муайян қисминини кам таъминланган хонадонлар, ноғиронлар, кексалар ва боқувчисини йўқотганларни иктимой муҳофазалашга сарфлашни режалаштириб қўйган. Бу вазифани адо этишда касаба уюшма ташкилоти етакчилик қиляпти.

Ш.НУРИЛЛАЕВ



Внимание акционеров ОАО «Чинобод санаторийси»

Годовое общее собрание акционеров состоится 14 мая 2004 года в 10-00 часов утра в зале заседаний «Чинобод санаторийси» по адресу: г.Ташкент, ул.О.Закирова, 88.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение годового отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 год.
2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2003 год.
3. Утверждение аудиторского заключения, отчета ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Чинобод санаторийси» за 2003 год.
4. Утверждение распределения прибыли.
5. Утверждение годового бизнес-плана на 2004 год.
6. Утверждение решения о проведении аудиторского проверки, аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг на 2004 год.
7. Утверждение устава, в новой редакции.
8. Утверждение внутренних положений «Об Общем собрании акционеров», «О Наблюдательном совете», «Об исполнительном органе», «О ревизионной комиссии».
9. Выборы Наблюдательного совета.
10. Утверждение продления договора о найме с Председателем правления на 2004 год.
11. Выборы ревизионной комиссии.

Актив баланса		Пассив баланса	
Основные средства	1983281,80	Уставной капитал	378000,0
Износ	772124,7	Добавленный капитал	8201,1
Остаточная стоимость	1211157,1	Резервный капитал	341322,6
Капитальные вложения	5289,7	Нераспределенная прибыль	32410,7
Производственные запасы	114320,9	Целевое финансирование	53610,6
Денежные средства	18902,1	Расходы будущих периодов	0
Дебиторская задолженность	133604,9	Кредиторская задолженность	205154,9
ИТОГО:	1499507,7	ИТОГО:	1499507,7
Финансовые результаты за 2003 год			
Объем оказанных услуг	772231,8		
НДС	1643,9		
Производственная себестоимость	594635,6		
Административные расходы	1266,3		
Прочие расходы	179,3		
Прибыль до уплаты налогов	58107,9		
Налог на прибыль	26955,2		
Чистая прибыль	28660,5		

КЕРАГИДА ҚЎЛЛАЙДИ

Умрим далада, дехқончилик билан боғлиқ юмушларни бажариш билан ўтляпти. Мана бир неча йилдирки, фермер тасарруфидаги ерда меҳнат қиляпман.

Фермер ҳўжалигимиз тасарруфида 32 гектар ер майдони бор. Фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Кенжаев билан оғзаки шартнома асосида ишлаб келаятгандик. Яқинда касаба уюшма бақиллари келиб, биз билан мулоқотда бўлди. Гапнинг очиги, ҳукуматимиз томонидан далада ишлаётган биз ишчиларга ҳам қатор имтиёзлар жорий этилган экан. Гапнинг рости, биз бундан беҳабар эдик. Ҳўжалигимизда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Жамоа шартномаси имзоланди. Далада ишлаётган 20 нафар кишига иш ҳақи бажарган юмушимиз миқдорига қараб тўланадиган бўлди. Энг муҳими, ҳуқуқ ва бурчларимизни билиб олдик.

Эндиликда қайғитимиз ҳам аъло. Негаки меҳнат муносабатларимизга қонуний тус берилди. Ҳозир далада, даромадда бизнинг ҳам қонуний улушии борлигини англаб етдик. Сандиқнинг бир четидан қўлиб кетган меҳнат дафтарчамизни ҳам фермер ҳўжалигига топширдик. У бизни тегишли қонунлар доирасида расмий ишчи қилиб олди. Меҳнатимизни муҳофазалаш, иш шартини яхшилашга сўз берапти. Бунинг ҳаммаси касаба уюшма аралашуви таъсири эканлигини сезиб турибмиз. Бу ҳолат эртанги қундан хотиржамликни, меҳнатга муҳаббатни уйғотляпти. Ахир, фермер қўлида ишлаб, тез тўкиб қўрқ қолаётганлар оз эмас. Эндиликда, бундай ҳолларга чек қўйилганидан мамнўнмиз.

Тўлқин ТОЙЛОҚОВ,
Бобўт туманидаги
«Аҳмадий» фермер
ҳўжалиги сувчиси

НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАН

Мўътабар Тирқашевани Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашида ўчратиб қолдик. Унинг таъкидлашича, бир неча ойдан бўён кирмаган эшиги қолмабди. Охири малада истаб касаба уюшмасига йўл олибди. Ҳуқуқшунос Жанна Цой Мўътабарни қабул қилиб, уни қийнаётган муаммоларини тағида еттишга интилди.

— Мана уч ойдики, икки ёшгача бўлган фарзандимга нафақа тўланишини асоссиз тўхтатиб қўйишди, — дейди М.Тирқашева. — Маъмурият мен ишлаган лавозим қисқаришга тушганлигини айтиб, пул тўлашдан бош тортяпти. Касаба уюшма ҳуқуқшуноси у хизмат қилган стандартлаштириш ва метрология бошқармасида бўлиб, чигал масалага оидлигини қиритишга интилди. Таассуфлариниси, икки ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул бўлган онага ноҳақлик қилинаётганлигини асослаш осон кечмади. Ким ҳам ўз хатосини тан олганини истабди, дейсиз. Маъмурият ҳам, бош ҳисобини ҳам ўзлари қабул қилган қарорни ҳақ деб, оёқ тираб туриб олишди. Жанна Цой ҳам бўш келгани йўқ. Шикоятчининг ҳақлигини айтиб, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ниҳоят, адолат қарор топди. Натияжада Мўътабар Тирқашевага фарзанд тарбияси учун ажратиладиган нафақа ундириб бериладиган бўлди.

—Утган давр мобайнида 1979 нафар фўқуқор меҳнат муносабатларидангиз низолаб ҳусусида мурожаат қилди, — дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқшуноси Жанна Цой. — Барчасини ижобий ҳал этдик. Маъмурият томонидан ноҳақ ишдан бўшатилиб юборилган 8 нафар киши ўз ўрнига қайта тикланиб, келтирилган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Ишдан бўшатилганда маъмуриятнинг ҳодим тақдирига берафар муносабати, унинг қонун билан муҳофазаланганидан ҳуқуқларини тан олмаслик хар ҳолда ўчратяпти. Шу ўринда оддий бир мисол. Гулистон шаҳридаги 25-автобус паркн маъмурияти ҳодим Турсўной Шерматов ва билан меҳнат шартномасини бекор қиладди. Энг ачинарлиси, бирон бир асосли сабаб кўрсатилмасдан уни ишсиз қолдиришди. Касаба уюшма аралашган, автокорхона маъмурияти мутлақо ноқонуний қарор қабул қилганлиғини аниқлашиб, Турсўной Шерматова ўз иш жойига қайта тикланди. Бекор юрган қўнлари учун 119 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди. Ҳудуд вилоят давлат статистика бошқармаси раҳбарлари ҳам ҳодимлар М.Оқўлонова, О. Жемарцовларга нисбатан ноҳолис бўлишди. Ишсиз қолган фўқуқорлар мурожаати асосида текшириш ўтказилиб, ўзи иш ўринларига қайтарилди. Уларга мажбуран бекор юрганлиғи учун иш ҳақлари ундириб берилди. «Камолот» ёшлар иктимой ҳаракати вилоят бўлими ходими Мўътабар Ефремова ҳам касаба уюшма Кенгашига мурожаат қилиб, ноҳақ ишдан бўшатилганлигини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишини сўраган. «Камолот»чиларнинг Мўътабарга нисбатан муносабати тахлил этилиб, пухта ўрганилди. Мўътабар Ефремова ҳам ўз ўрнига қайтарилди.

Касаба уюшмалари томонидан меҳнат қонунчилиғи ижроси, шартнома ва келишувларнинг бажарилишини, меҳнат шартномаларига риоя этиш аҳоли мунтазам тахлил этиб бориляпти. 350 та ташкилот ва корхоналарда меҳнат қонуний бажарилиши ўрганиб чиқилди. 2368 нафар кишига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, қадрлар бўлими мутасаддилари ўқуви ўтказилди. Бу эса иш берувчи ва ҳодим ўртасидаги муносабатлардаги чалқашликларни бартараф этишга хизмат қилди. Қисқа қилиб айтганда, касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда кўмиталар меҳнаткашлар манфаатларига путур етказадиган хар қандай қўринишга барҳам бериб келяпти.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

«Чинобод санаторийси»

Тўмарис авлодлари

АСКАР ҚИЗЛАР

Тўрт-беш ой илгари Чортотқа борганимда дўгона-си билан суҳбатлашиб кетайтган аскар қизга кўзим тушди. Бунга ажабланмаслик мумкин эмас эди. Негаки, бугунги кунда мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида юзлаб хотин-қизлар тиббиёт, алоқа ва бошқа кўрсаткичларда хизмат қилишяпти. Бирок юртимизнинг олис туманида ҳарбий кийимдаги қизни учратиш негизда менга гайритабиий туюлди.

— Бу қиз кичик командирлар тайёрлаш мактабининг курсанти, — деди менга ҳамроҳлик қилган шу ерлик журналист дўстим. Навбатдаги йўлим тушганида ҳарбий либос кийган қизлар билан яқинроқ танишиш мақсадида тилга олинган ҳарбий мактабга кирдим.

— Илтимосингизни бажариш қийин эмас, — деди ҳужжатларим билан танишгач қисм командирининг ўринбосари, майор Эркин Ширинов ва мени ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдон сари бошлади.

У билан бугунги кунда мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳақида суҳбатлашиб борганимиз шеригим жўлмайди:

— Бунинг ҳеч қандай ҳайрон қолдирган жиҳати йўқ. Ахир, жаҳоннинг энг тараққиётли этан қатор давлатларида, ён қўшимиз Россия армиясида минглаб аёллар ҳарбий кийим кийишган. Аслида жанговарлик хислати бизнинг ўзбек аёллари қонида борлиги сир эмас. Ахир, Тўмарис момомиз боши жангчи, тадбиркор кўмондон бўлганлиги тарихий китобларимизда адабий асарларимизда ўз ифодасини топмагани!

Майор Ширинов билан машқлар майдони томон борганимиз, энгил ҳарбий кийимдаги бир неча қизнинг эпчиллик билан оқоп кавалеттанларини, шартли «душман»га найза санчаётганлигини, эпчиллик билан автомат кўндоғида зарба бераётганлигини кўриб, арсонани Тўмариснинг тулпор устида шамолдек олиб душманга қилч ураётган лаҳзалари ҳаёлимизда гавдаланди.

Табиики, жангчи қизларнинг армия сафига келиб қолиш сабаблари бизни қизиқтирмадди қолмасди.

— Бизда хотин-қизларнинг мажбуран армия сафига чақирилмаслиги қонун йўли билан белгилаб қўйилган, — жавоб қайтарди суҳбатдошим. — Лекин Куролли Кучлар сафида улар ўз хоҳишларига кўра хизмат қилишлари мумкин. Аёллар орасида жанговар ҳарбий хизматни танлаб ариза берганларни ҳам йўқ эмас.

Командир ўринбосари шундай дер экан, қўл пулемётини тосалаётган қизга қараб икки минута. Аскар сапчи ўрнидан туриб: — Сержант Дилфуза Ами-

нова буйруғингизга кўра ҳозир бўлди! — деди қўлини эпчиллик билан чеккасига қўйиб.

Эркин Ширинов мени таништирди. Жангчидан Куролли Кучлар сафига келиб қолиш сабабини сўрадим.

— Қиз бола бўлишимга қарамасдан ёшлигимдан ҳарбий соҳага қизиққанман, — жавобан Дилфуза. — Шунинг учун ҳарбий ҳаётга, ҳарбий ҳақдонлар, қаҳрамонлар қаҳқондаги китобларни кўп ўқир эдим. Дўгоналарим орзуларимни эшитиб қулишарди. Мактабни битириб, бир йилча кўчалик далаларида меҳнат қилдим, сўнг шу ерга ариза бердим.

Д.Аминова машғулотларини давом эттириш учун қайтгач, Э.Ширинов кенчурин «тунги жанг» сиволари ўтказилишини, сержант Д.Аминова унда иштирок этишини айтиб, холдасам қўришга ружсат берилишини билдирди.

Белгиланган вақтда машғулотлар ўтказиладиган жойга етиб бордик. Борлиқни тун эълмати қоплаган. Осмонда ой сузарди, юлдузлар сирли жимирлар эди. Шу лаҳзада командирнинг: — Сержант Аминова, ўт оғини нуқтасини эгалланг! — деган буйруғи янгради ва сўнг:

— Пулемётдан ўт очинг! — деган ҳукмрон овози эшитилди.

«АКС-74» — тилга кирди. Зулмат қўйини қизғиш аланга чизиги кеса бошлади. Шартли «душман» жойлашган нуқта яқсон этилганини маълум қилишди.

Орадан бир соатларча фурсат ўтмасдан қоронғиликда пайқаш мушуқул бўлган брезент чаблада тунги машғулот натижаси сарҳисоб қилинди.

— Сержант Аминова эришганлиги аҳоли натижага эришганлиги учун ташақкур эълон қиламан, — деди командир.

— Она Ўзбекистонга, мамлакат Президентига хизмат қиламан! — Дифузанинг жангдор овози анча наригача етиб борди.

Унга ҳавас билан қардим. Хиругина нур сочаётган чироқ ёруғида унинг тилла зирақлари ялтираб кетгандай бўлди. Куролли Кучларимиз сафида Д.Аминовдек қаҳдон қизлар ҳам борлигидан фахрланиб кетдим.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



Гуллар шаҳри Наманганда кейинги йилларда гулга нисбатан эътибор янада кучайди. Бунинг шунданлиги кўча ва хиёбонларни айланган киши билан хис этади.

НАМАНГАН - ГУЛЛАР ШАҲРИ

— Бошқармаимизда бугунги кунда 970 киши меҳнат қилаяпти, — деди шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулазиз Иброҳимов. — Уларнинг ҳаммаси шаҳар орасталигига баҳоли қудрат ҳисса қўиш ниятида белгиланган тадбирларимизни амалга оширишда фаол иштирок этишяптилар. Баҳор бошлангандан бундан анчагина ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидаги дарахтларга шакл бериб, оқланди. Беш минг тулдан зиёд арча ва қарагай каби манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Абдулазиз Иброҳимовнинг таъкидлашича, бошқармага қарашли 2 та иссиқхонада етиштирилган 50 минг тулдан зиёд атиргул, 170 минг тулдан ортиқ мавсумий виола, маргарита, салвия, гултожиқўроз ва чиннигуллар шаҳар кўча ва хиёбонларини безади. Яна бир миллион тулдан зиёд гуллар ўтказилди. Бу борада Мавлудхон Давлатова, Саодатхон Усмонова, Акмалхон Муродов сингари моҳир гулчиларнинг хизмати катта бўляпти. Мабур номли маданият ва истироҳат боғининг рамзий дарвозаси, Машраб номли кинотеатр ҳудудида янгитдан бунёд этилган автобекат атрофи коммуналчиларнинг саъй-ҳаракати билан гўзал қиёфа касб этди.

«Туркистон-пресс»


КИТОБ - СОДИҚ ДЎСТ

Кутубхона зиё маскани, маърифат ўчоғи деб бежиз айтилмайди. Зеро, бундай ошанга ошно бўлган одам сира кам бўлмайди. Киши қанча кўп китоб ўқиса дунёқараши, мушоҳадаси шунча кенгайди, билими бойийди. Шу боис Қўқон шаҳар марказий кутубхонасида китоблар фондиди бойитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Ҳозирги кунда шаҳар марказий кутубхона тизимиде 17 та шохобча фаолият қўрсатяпти, — дейди кутубхона раҳбари Лилия Салқиева. — 56 нафар кутубхона ходими ишламоқда. Бу ерда 315 минг 343 донна китоб жағмараси бор.

Жорий йил обунаси учун бир миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, Қўқон «Китоб-садо» ҳиссадорлик жамиятидан 200 минг сўмлик китоб олинди. Китобхоналарнинг ақсарияти ўсимлар ва болалар эканлиги диққатга сазовордир.

Суратларда: билим мудири Малика Ўринбоева ҳамда кутубхоначилар Дилноза Парпиева ва Мухаббат Хўжақалдедиева китобхона билан учрашувга ҳозирлик қўрмоқдалар; Қўқон марказий кутубхонаси ходими Хилола Ҳайдарова.



Мукимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

УМРИ БОҚИЙ СПЕКТАКЛ

Ўзбек Миллий академик драма театри репертуаридан ўрин олган умри боқий спектакллар анчагина. Минг-минглаб томошабинлар эътиборини қозонган «Отелло» фожиаси, «Алишер Навоий», «Юрак сирлари» каби постановкалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Азизов билан Тошкент давлат санъат институти доценти, иқтидорли санъаткор Мунаввара Абдуллаева томонидан саҳналаштирилган «Чимилдиқ» спектакли ҳам томошабинларнинг севишли томошасига айлиниб улгурди.

Халқимизга хос ҳажв ва юмор руҳи сезилиб турган халқ озаки иходи намунасига яқин бўлган мазкур саҳна асарининг навбатдаги 500-намоиши ҳам қиёмига етказиб ижро этилди.

«Чимилдиқ» энг яхши миллий томошалардан бири сифатида бундан кейин ҳам саҳнадан тўшмайди.

СОҒВА

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хўна таълими республика марказий саъй-ҳаракати билан талайгина ўқув адабиётлари чоп этилди. Улар орасида тиббиёт йўналишидаги касб-хўна коллежлари учун тайёрланган махсус дарсликлар ҳам бор.

«Микробиология, овқатланиш физиологияси ва санитарияси», «Дори турлари технологияси» деб номланган дарсликлар тилиб-тилимларга яхши соғва бўлди.

Хар иккала китоб ўз мундарижаси ва мазмун доираси билан ажралиб туради. Чунки, «Микробиология, овқатланиш физиологияси ва санитарияси» дарслигида микробиология асослари, тарихи, морфологияси ва систематикаси, унга ташқи муҳитнинг таъсири кабилар атрофича ёритилган.

Бу ўқув адабиётлари Абу Али ибн Сино номидagi тиббиёт нарийети кўп нусхада босиб чиқарди.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДҚИКОТ

Узлуксиз таълим тизими амалга ошириш жараёнининг ўзгаришчи таъминлаш ўқувчи ёшлар камолотида муҳим ўрин тутди. Ана шу таълимий лойиҳанинг илмий-педагогик асосларини тадқиқ этиш йўналишида олиб борилаётган ишлардан ҳам ўз ихобий натижасини бермоқда.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти олимлари томонидан босмага тайёрланган «Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хўнага тайёрлашнинг илмий педагогик асослари» ўқув кўланмаси ҳам ўқитувчилар учун яхши соғва бўлди.

Бундан ташқари, институтда «5-7 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлиги қаражасининг психологик механизми», «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг педагогик асослари» деган мазмулда тадқиқотлар олиб боришмоқда.

ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАР

Республика «Истеъдод-жамғармаси» томонидан жойларда ўтказиладиган анжуманлар натижалари алоҳида илмий тўпламларда ўз ифодасини топмоқда. Мазкур матнлари ва илмий мақолалари ўз ичига олган нашрлар олий ўқув юрталари ва академик лицей, касб-хўна коллежлари кутубхоналаридан ўрин олмақда.

Хусусан, «Хорижий олий таълим таъриҳлари» деган мазмулда ўшатириладиган илмий-методик анжуман материаллари ҳам жойларда оммалаштириладиган бўлди.

Тошкент вилоятининг Чорвоқ дам олиш маъмуриятида амалга оширилган бу таълимий таъдбирда чет элларда ўқиб келган ёш мутахассислар бой таъриҳлари асосида чиқиб қиладилар.

Анжуман натижаси бўйича бир неча жилдан иборат илмий тўплам босмага берилди.

А.АЛИЕВ

Таълим жараёнининг муваффақиятини таъминлашда кўргазмалар ўқув куроллари, асбоб-ускуналар, плакатларнинг тўтган ўрни катта, албатта. Бугунги кунда мактабларни бундай ўқув ашёлари билан тўла таъминлашда республикамиздаги кўплаб қорхона ва таъшилотлар ташаббускорлик қўрсатишмоқда.

КЎРГАЗМАДА ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ

Бу хайрли ишга «Эл», «Кинап», «Ойнапластик», «Навоийазот», «Тонг» каби қорхоналар салмоқли ҳисса қўшмоқда. «Совпласттал», «ДЭУ-ПЕК» қўшма қорхоналарининг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги ҳам ижобий самара бермоқда.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ташкил этилган кўргазмадан ўшбу қорхоналарда тайёрланган кўргазмалар кўрилган ўрин олди. Дарвоқе, соҳа қорхоналари халқ таълими вазирлиги буюртмаси бўйича бир неча номдаги ўқув ашёларини тайёрлаб берадилар. Шу ўқув йилининг ўзида республикамиздаги 180 та мактаб ана шундай жиҳозларга эга бўлади.



Инсон бахт-саодати йўлидаги ислохотлар ўзининг амалий натижаларини кўрсатмоқда. Моддий ёрдам уюштириш, меҳр-муруват қўрсатиш шулар жумласидандир. Сарбосиб туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма қўмитаси тасарруфиде 118 та таълим-тарбия муассасалари фаолият қўрсатмоқда. Уларга 5400 нафар аъзо бирлашган. Соҳа ходимларининг меҳнати ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда иш шартлари доимий назоратга олинган. Жамоа шартномаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш Миллий дастури-

ЎҒИЛ МУБОРАК!

Бухоро туман марказий касалхонасига кириб борганимизда кўш чор атрофга илиқ нур таратиб, қалбларга баҳор нафаси, қўқлам тафтини олиб қираётгандек эди. «Тўғруқхона» дейилган ёзу илиб қўйилган икки қаватли кўркам бино олдиға етиб келганимизда, ичкаридан отилиб чиққан ҳамшира қизининг кўнгироқдек овози эътиборимизни тортиди.

— Табриқлаймиз, ўғил муборак, ака! Бахтиёр отани суҳбатга тортидик.

— Жамил Раҳматовман. Турмуш ўртоғимни бу ерга олиб келганимизга унча кўп вақт бўлган йўқ. Биз иккинчи фарзанд кутаётган эдик. Мана орзумиз ушадди. Ўғилни бўлдиқ. Онаси ҳам, бола ҳам соғ-саломат экан. Бахтимизга шифокорлар омон бўлишсин...

Ақрилиш илдам суръатларда кўпайиб бораётган Бухоро туманида 117 минг киши иссиқхона қилади. Шундан 60329 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Тугиш ёшидаги аёллар сони 30472 нафар. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш йўлида 2 мингта яқин Тиббиёт ходими жонбозлик қўрсатмоқда. Шундан олий маълумотли врачлар сони 204 нафар. Биргина туғруқхона бўлимида 10 нафар етук мутахассис, 23 ҳамшира, 18 нафар доя ишлайди.

Бўлим 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 3 та реанимация ўрни, 4 та туғруқ зали, шунингдек, жарроҳлик хонаси мавжуд. Бино замон талабларидан келиб чиқиб, дид билан таъмирланганлиги шундоққина сезилиб турибди. Хоналар кенг ва ёруғ. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларнинг барчаси янги. Маълум бўлишича, туғруқхона мажмуасини қайта таъмирлаш ва етарлича асбоб-ускуналар ҳамда, жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида 50 миллион сўмлик маблағ сарфланган. Туман ҳокимлиги, кўплаб хомийларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу иш қисқа фурсатда амалга оширилди.

Утган йили туман бўйича 2072 та туғилиш қайд этилган. Бу олдинги йилга нисбатан 117 та кўп демакдир.

Саломатлик - энг катта бойлик

ТАБИБ АВВАЛО ҲУСНОВ

«Саломатлик - энг катта бойлик» деган ҳақиқатни ҳар қандай инсон билиши керак. Табиб Аввало Ҳуснов бу ҳақиқатни ўзининг ҳаёти ва ишлари билан яқиндан исбот қилди. Унинг таълим-тарбияси, иш фаолияти ва илмий-педагогик асослари ҳақида кўпроқ маълумот олиш керак. Табиб Аввало Ҳуснов 1935 йили 11 апрелда Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг ота-онаси қўқонликлар бўлиб, унинг ота-онаси қўқонликлар бўлиб, унинг ота-онаси қўқонликлар бўлиб...

ЭРТА-КЕЧ ЭЛ ХИЗМАТИДА

лоқлардаги ҚВЛларда ҳам (уларнинг сони 41 та) махсус оналар мактаби фаолият қўрсатмоқда. Асаб касаллиқлари бўлимининг ёшида жойлашган махсус марказ фаолият ҳақида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Унга таъриҳчи шифокор Эргаш Абдуллаев раҳбарлик қилаётган. Ёш оналар, хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган барча соғалларга шу ердан жавоб топишлари мумкин.

ЭТИРОФ

— Бўлимимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё,-дейди туғруқхона бўлими бошлиғи Нормурод Баймуродов. — Бугун 3 нафар она фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлди, 2 қиз ва 1 ўғил дунёга келди. Оналар ҳам, чақалоқлар ҳам соғ-саломат. Уларга зудлик билан биринчи ёрдам қўрсатиш учун барча дори-дармонлар етарли.

Ҳамшира, доялар ва шифокорларимиз мўҳом сарғак. Шу боис бултур ва янги йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам нохуш ҳолат қайд этилмади. Зулайхо Шерова, Нозима Темирова, София Хожиева, Гулчечра Ҳалимова, Гулбахор Рўзиева, Солиҳа Сафарова, Шахло Хайитова сингари шифокор ва дояларимиз ширинсўзлиги билан ҳурмат қозонмоқдалар. Яратилган қўлайликлар ва ҳамқўриқларга жавобан қалб меҳри, виждон амри билан ишламасақ бўлмайди, ахир.

БОШ ШИФОКОР КАБУЛИДА

— Шифокорнинг юзи доим ёруғ ва ёқимли бўлмоғи ке-

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ
МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Таърир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимқўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турно» кўчаси, 41-уй.